



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 11 (1075) • 2016-yil, 11-mart, juma

Фаровонлик, барқарорлик

ва тараққиёт гарови

МУНОСАБАТ

Истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини юксалтириш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида ҳам яна бир бор аёлларнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо берилгани кўнглимизни тоғдек кўтарди, бизни янада фаол, масъулиятли бўлишга ундади.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоханг яшаш ва меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилгани, бу борада улкан ютуқларга эришилганлиги бошқа мамлакат вакиллари томонидан муносиб баҳолиниб, бу борадаги бизнинг иш тажрибамиз халқаро миқёсда ўрганилаётгани бежиз эмас.

Шубҳасиз, мураккаб даврда эришган энг залворли ютуқларимиздан бири — амалга оширилган ислохотлар туфайли халқимизнинг, кенг жамоатчиликнинг хотин-қизларнинг ўрни, мақомига бўлган дунёқараши, нуқтани назари ўзгарди. Илгари аёллар факатгина фарзанд тарбияси ва уй-ўрғун ишлари билан банд бўлиши ёки уларнинг меҳнати асосан таълим соҳасида ёки соғлиқни сақлаш тизимида бўлиши лозим қабилда эскича фикрловчиларнинг сафи камайди.

Тасаввур этинг-а, бугунги кунда таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан хотин-қизлар ташкил этмоқда!

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автомобил-созлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника соҳалари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг хиссаси тобора ортиб бормоқда.

НАВРЎЗ — 2016



Наврўз ифори боқийдир

Ислоҳ Каримов ташаббуси ва жасорати билан ҳали мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган даврда Наврўз байрами қайта тикланди. Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги фармони мувофиқ Наврўз умумхалқ байрами, 21 март дам олиш куни, деб эълон қилинди. Ўтган йилларда Наврўз мазмунан янада бойиди, халқимизнинг қадим маданияти, эзгу фазилатлари тимсолига айланди.

Марказий Осиё халқлари қадимда янги йилни Наврўзда нишонлаган. Бу чуқур илмий асосга эга: кўш ҳамал буржиги кирди, кун ва тун тенглашди, ҳаво илғиди, дарахтлар гуллай бошлади, ердан буғ кўтарилиб, экишга тайёр бўлади. қир-адирлар кўм-кўк либосга бурканди.

Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий каби алломалар асарларида Наврўз ҳақида муҳим илмий маълумотлар келтирилган. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига бу байрамнинг ой бўйи давом этишини маълум қилган.

Наврўз тарихини ўрганиш бу байрамнинг Шарқда хунармандлик соҳасидаги бир қатор кашфиётлар натижасида пайдо бўлганини тасдиқлайди. Алишер Навоий

«Тарихи мулуки аҷам» рисоласида бу ҳақда қўлаб қимматли маълумот келтирган.

Баҳор айёмининг инсон руҳий оламида кўтаринки кайфият уйғотиши, тана аъзоларида тетиклик пайдо қилиши, шубҳасиз, адабиёт аҳли эътиборидан четда қолмаган. Баҳор халқ қалбида келажакка умид, турмушдан баҳраманд бўлиш кайфиятини уйғотган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лувотит турк» асарида келтирилган қуйидаги мисраларда аждодларимиз табиатни нақадар теран ҳис этгани ва уни гўзал ифодалаганини кўриш мумкин:

**Яғмур ёғиб сачилди,
Турлук чечак сучулди,
Инжу қоби очилди,
Чиндан йипор юрғушур.**

Қадимий она тилимидаги бу жумлалар маъносини англаш қийин эмас. Ёғиб ёғиб, ҳар тараф сочилгани, инжу қоби — дурлар хазинаси очилгани каби турли чечаклар уйғунгани, уларнинг йипори — ифори кезаётгани айтимокда.

Юсуф Хос Ҳожи «Қутадғу билиг» достонининг дастлабки саҳифаларида гулзорда булбул минг овоз билан сайраши, дарахтлар яшил қийгани, қизил, сарик, кўк гулларнинг очилганини моҳир мусаввирдек чизиб қўйган:

**Қуримиш йиғочлар тананди йашил,
Безанди йапун ал, сариғ, кўк, қизил.**

Мумтоз адабиётимиз тарихида ғазалларнинг дастлабки намуналари ҳам айнан баҳор мавсми билан бошланган. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузӣ «Қисаси Рабғузӣ» номли дидактик асарига назм чечаклари билан безак берар экан, «Баҳоринёт» сарлавҳали ғазал битадди. Унда шундай байтлар бор:

**Кун келу минг кўрки ортиб тирилур йлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.**

**Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри булбул мўқри бўлиб уни тузар тун-қундузи.**

Эътибор берсак, юқоридаги мисолларда баҳор фаслининг табиатда мўъжиза яратиши, атрофга байрам безаклари билан файз бағишлаши маъно жиҳатдан бир-бирига яқин. Бадий адабиётимиздаги бу анъана ижодкорлар учун доний мавзуга айланди.

Бу борада ҳам Алишер Навоийнинг ўз ўрни, ўз химмати бор. «Фарҳод ва Ширин» достонининг тўққизинчи бобидаги қуйидаги мисралар бадий адабиётимиздаги жонлангириш санъатининг энг гўзал намуналаридан бири:

**Чекар бог ичра булбул анча афгон,
Ки афони қилур гул баерини қон.**

Булбул баҳор айёмида ишқини шу қадар фивон билан айтаптики, унинг нолаларидан таъсирланган гул бағрини қон қилиб юборди. Достон давомида боғнинг ўт-аланга олгани айтилган ва қуйидаги байт берилган:

**Бу ўт ёнида булбул маскан айлар,
Қанот урмоқ елидин равшан айлар.**

Булбул қанот қоқиб, бу алангани янада равшанлаштирмоқда. Шоирнинг безанур истеъдоди билан инсонни хайратга солувчи манзара яратилган. Айни чоғда баҳорий мўъжизанинг ўқувчига ором бағишлашига эришилган.

Аҳоли саломатлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашмоқда

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Жорий йилнинг 3 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан аҳоли саломатлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим ҳуқуқий асос, яъни «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси донорларнинг жинсига боғлиқ ҳолда бир марта олинадиган донорлик қони ҳажми меъёрини, қон топириш даврийлигини тартибга солиш, шунингдек, узок вақтдан бери бепул қон топираётган шахсларни қўшимча моддий рағбатлантириш йўли билан республикада бепул донорликни янада ривожлантириш мақсадига ишлаб чиқилган.

Лойиҳада «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига ўзгартиришлар киритиш назарда тутилиб, унга мувофиқ қон

ва унинг таркибий қисмларини топириш, шунингдек, қонни лаборатория текширувлари учун топириш тартиби, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш кўзда тутилади.

Қон топириш ораларидаги мuddатлар донор саломатлигига зарар етказмаслиги учун етарли бўлиши зарур. Қон топиригандан сўнг навбатдаги қон топириш ораларидаги мuddат энг камида 60 кунни ташкил этиши керак. Умумий ҳисобда бир йилда қон топириш сони 5 мартадан ошмаслиги лозим.

УЧРАШУВ

Кейинги йилларда Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилоят ташкилоти партия Сайловли дастурини амалга ошириш, фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ана шу саяё-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда вилоятда сафдошларимиз сони саккиз минг нафардан ошди. Улар 320 дан зиёд БПТга бирлашган ҳолда иш олиб бормоқдалар.



Партия фаоллари билан мулоқотлар самарали тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлади

Қўлга киритилаётган муваффақиятларга барча қўйи ташкилотлар катори Поп туман кенгаши ҳам салмоқли хисса қўшмоқда. Айни пайтда туманда «Адолат» СДП аъзолари сони 1100 нафардан ошган. Сафдошларимиз орасида ижтимоий-иқтисодий йўналишларнинг деярли барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётган инсонларни учратиш мумкин. Айнан шу омил туфайли электротат кенгаймоқда, партияимиз хайрихоҳлари

кўпайиб бормоқда. Айниқса, туман тиббиёт бирлашмаси, электр тармоқлари корхонаси, «Пахтакор» ва «Пахтаобод» маҳалласида тузилган бошланғич партия ташкилотлари яхши фаолият кўрсатмоқдалар.

— Бу фикрлар 2014 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига ўтказилган сайловларда ҳам ўз тасдиғини топди, — дейди «Адолат» СДП Поп туман кенгаши раиси Музофот Аҳмедов. — Илк бор халқ депу-

татлари туман Кенгашида депутатлик гуруҳимиз тузилди. Энди вакилларимиз худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари билан шуғуланмоқдалар. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш, қонун ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш, ўрни келганда таклифлар бериш учун имкониятларга эга бўлди.

Қуни кеча поплик «адолат»чилар ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди: «Адолат» СДП туман кенга-

ши фаолиятини янги бинода давом эттира бошлади. Бу ерда партия ташкилотини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, янги бино кенгаши, БПТ, депутатлик гуруҳи, ҳар бир депутат фаолияти ҳақида хикоя қилувчи кўргазмалар воситалар билан жиҳозланган. Шунингдек, партиявий адабиётлар, тарбия-ташвиқот материаллари ҳам бор.

Бугунги сонда:

Куйи бўғин имкониятларидан самарали фойдаланаётган партиядошларимиз сафи кенгаймоқда

— Бизда тиббий хизмат бепул йўлга қўйилган. Беморларни 80 фоиз дори-дармонлар билан ўзимиз таъминлаймиз. Шифоҳонамиз Ташкент педиатрия тиббиёт институтининг базаси ҳисобланади, — дейди Дониёр Собиров. 4

Йўлақлардаги шахсий автомобиллар қонунбузарликнинг бир кўриниши бўлиб қолмоқда

Бутун дунёда ҳайдовчилардан талаб қилинадиган биринчи қонда — транспорт воситасини белгиланган жойга қўйиш ва қалайинда ҳам тўри қўйиш. Бу талабни бажармаганлар эса, ҳеч шубҳасиз, жаримага тортилади. 7

Иллатнинг илдиизи лоқайдлигимиз, яқинларимизнинг бефарқлиги, маҳалла-қўйнинг беэътиборлигига бориб тақалмайди?

Фарзандининг тақдирини нисбатан бефарқлиқ шу даражага етганки, маҳалладагиларнинг боласи нима иш билан шуғулланаётганига оид саволига «Ўғлим Россияда ишлаётган»дан бошқа жавоб бериша олмади. 8



СДП
хабарлари

Қуйи бўғин имкониятларидан

самарали фойдаланаётган партиядошларимиз сафи кенгаймоқда

БПТ НИМАЛАРГА ҚОДИР!

Тошкент шаҳар 2-сон болалар жарроҳлик клиник шифохонасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари ўтказган учрашувдан сўнг тажрибали шифокор Дониёр Собировнинг партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди. Партиясозлик Сайловолди дастури, Низоми ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди. Партиясозлик Сайловолди дастури, Низоми ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди. Партиясозлик Сайловолди дастури, Низоми ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

Мирзо Улугбек туман партиясозлик қисми раиси Адолат Яхёева унга партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

— Энди биз бир сафдамиз. Партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

Улар қаторида бўлишга, партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

харакатлар эвазига 2012 йили партиясозлик қисмига 11 нафар янги аъзо қабул қилинди. Шифохона қошида бошланғич партиясозлик қисми ташкил этилди.

БПТга шу хайрли ишларнинг бошида турган, «Адолат» СДП сафида ўз имкониятларини далил юзага чиқараётган Дониёр Собиров раис этиб сайланди.



ларининг эртанги камолоти муҳимасам.

Бош шифокор ўринбосари, тажрибали жарроҳ Тохир Хасановнинг ишчанлигини кўпчилик ҳамкасблари кадрларга, ташаббускор ва фаоллигини барча сафдошлари алоҳида таъкидлашди.

Партиявий фаолиятни янги босқичга кўтарётган маслакдошларимиз Тошкент шаҳар партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

Партиявий ишларда чиққан БПТ раиси ўтган йиллар ичида катта синовлардан ўтиб, тажрибали раҳбар бўлиб етишди.

раб-авайлашга камарбаста бўлган 540 нафар ходимни бирлаштирган жамоани талабчанлик билан бошқариб, ҳар бир шифокорни виждонан, билимдонлик билан ишлашга йўналтираётган. Зеро, ўз меҳнатлари ортда болалар тақдир ва шунга боғлиқ равишда ота-оналарнинг қувончу ташвиши турганлигини чуқур англаб фаолият юритиш саломамлиги посбонларининг муқаддас бурчидир.

— Каттор қулайликларга эга бўлган, замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган 186 ўринли шифохонамизда уч ойлик туғма нуқсонли чақалоқлар билан бирга туғма буйрак ва сийдик йўлида нуқсонлари бор катта ёшдаги болалар ҳам даволанади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, БПТ аъзолари болалар соғлигини муҳофаза қилиш билан бирга партиясозлик ишларини янада кучайтириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш, партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.

Улар эртанги кунга катта умид ва режалар билан боришмоқда. Қуйи бўғиннинг янги имкониятларини юзага чиқаришмоқда. Шу таразда электротартиб партиясозлик бўлган ишончини кучайтириб, дастурий мақсад ва ҳождаримизни кенг тарғиб-ташвиқ этишмоқда.

Рустамжон АХМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП Избоскан туман кенгаши томонидан Ижтимоий-иқтисодий коллежида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» мавзусидаги давра суҳбати ёшларни тadbиркорликка жалб этиш, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш ва истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда

Унда тумандаги молия муассасаларининг мутахассислари тadbиркорликнинг қонуний асослари, яратилаётган имтиёзлар ва бизнес лойиҳаларига қўйилаётган талаблар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

— Бу йилги битирувчиларимиздан 24 нафари тadbиркорлик билан шуғулланиш истагиди, — дейди коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари А.Мамажонов. — Уларнинг ўз фаолиятини бошлаши ва бизнес лойиҳаларини тайёрлашда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

— Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш орқали уларнинг фаоллигини ошириш ва жойларда жинойтчиликнинг олдини олишни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Избоскан туман партиясозлик қисми раиси Дилфузахон Аҳмедова. — Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари билан биргаликда ишлаяпмиз. Токи бир нафар ҳам ўсмир эътибордан четда қолмасин.



Давра суҳбати давомида тadbиркорлик борасида қонунийлигимизга киритилган ўзгаришлар ва банк кредитлари юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Фаол ва билимдон ҳуқуқий маданияти юксак ёшлар

Баҳор байрами арафасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгаши хотин-қизларнинг жамияти ҳаётидаги фаоллигини, ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилган яна бир тadbир ўтказди.

Самарқанд шаҳридаги байрамона безатилган муҳташам концерт залига партиясозлик «Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари» ижтимоий лойиҳаси доирасида «Адолат» маликаси кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловда шахардаги 7 та олий ўқув юртидан етти нафар талаба қизлар иштирок этиб, сиёсий-ҳуқуқий билимдонлиги, шунингдек, санъат соҳасидаги иқтидорларини намойиш этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Самарқанд шаҳридаги Бир қатор институтлар ҳамда Самарқанд давлат университетига тахсил олаётган бу ёшлар ижтимоий-сиёсий соҳаларда фаолликлари билан аллақачон танилиб улгуринган.

Катта концерт залига тўпланган 500 нафардан зиёд томоша...

З.ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Соғлом муҳит — оила таянчи

ДАВРА СУҲБАТИ

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда партиямиз мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қораўзак туман кенгаши фаоллари ҳам ўз иш фаолиятида аҳолининг кенг қатлами орасига кириб бориш орқали партиясозлик қисмига қизиқиши билан танишиб чиққач эса бу сиёсий кўчнинг ўз қарашларига мос партиясозлик қисмига нисбатан қизиқиши ортди.



М.Ҳобибуллоев (ЎзА) олган сурат

муҳитни шакллантириш масалалари доирасида фикр-мулоҳазалар юритилди.

— Партиямиз фаоллари томонидан ёшлар ўртасида ўтказилаётган тadbирларимизда асосан барвақт турмуш қуришнинг, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш бора-бора тарғиб-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, —

дейди Қораўзак туман партиясозлик қисми раиси Азамат Гулмбетов.

Давлатимиз келажак авлод саломамлигини таъминлаш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш ишларига жиддий аҳамият бериб келмоқда. Бўлғуси ёш келин-куёвларнинг бепул тиббий қўриқдан ўтказилиши соғлом оиланинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Маълумки, бугунги кунда инсоннинг узок умр кўришида экологик мусаффолик муҳим ўрин тутади. Бу эса ҳар бир инсоннинг,

ҳар бир оила ва ҳар бир маҳалла аҳолининг ўзи яшаётган жой, атроф-муҳитни тоза, озода, қўрқам таразда сақлашни талаб этади. Яъни экологик мусаффолик, ободлик инсон қўнғилидан бошланади.

— Мамлакатимизда инсон саломамлиги биринчи даражада масалалар сирасига кирганлиги бонс, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат даражаси кундан-кунга юксалиб бормоқда. Мана шундай гамхўрликлар натижасида юртимизда халқимизнинг узок умр кўриши таъминланмоқда, — дейди 3-сонли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пердегул Жубанова. — Шундай экан, биз маҳалла фаоллари ҳам давлатимизда бюджет маблағлари эвазига яратилаётган бундай имкониятларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига, айниқса, ёшларимизга етказиш ва аҳолининг репродуктив саломамлигини таъминлашда бор куч-ғайратимизни аямаслигимиз даркор. Айтайлик, маҳалламиздаги 3 мингдан ортик аҳолининг кўпчилик қисмини аёллар ва болалар ташкил этади. Уларнинг саломамлигини яхшилаш, атроф-муҳитни тоза, озода сақлаш бугун ҳаммамизнинг ишмизга айланган.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғiston Республикаси
кенгаши матбуот котиби

«Авесто» музейида машғулот

Урганч шаҳридаги «Авесто» музейида Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилоят кенгаши қошида фаолият юритаётган «Адолат» жилгалари ёш истеъодлар клубининг навбатдаги машғулотлари ўтказилди.



Партия фаоллари, олимлар иштирок этган мазкур тadbирда ёшларнинг юртимиз тарихини чуқур ўрганиши уларда ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Комилжон Нуржонов музейнинг фаолияти, ундан ўрин олган тарихий ёдгорликлар, ноёб асарлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Эш ижодкорларга клуб раҳбари, «Хоразм маърифати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Марямжон Бегимова, шоира Қурбонбика Ҳусеинова ширинлири, нотиклик санъати ҳақида сабоқ берилди. Клуб аъзолари ўз ижод намуналаридан ўқиб, устозлардан маслаҳатлар олди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Иллатнинг илдиизи

лоқайдлигимиз, яқинларимизнинг бифарқлиги, маҳалла-кўйнинг безътиборлигига бориб тақалмайдами?

МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ

Инсон жамики мавжудотларнинг энг улуги ҳисобланиб, бошқа жонзотлардан онги, билими, тафаккури, ақл-идроки билан юқори туради...

топишга кўпчилигимиз қийналамиз...

Яқинда "Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига асосан тайёрланган "Фитна" номли ҳужжатли фильми томоша қилар эканман...

Фильмда инсон қадрини мукаддас деб билувчи ислом динининг тамойилларини бузиб талкин қилаётган, инсонлар қалбига кўрқув ва ваҳима солиш орқали гўёки ислом динида "райдинлар"ни жисмонан йўқ қилиш савобли амал эканлигини уқтираётган...

Шу ўринда киши кўнглида айрим саволлар туғилади. Дунё бўйича турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган айти кунларда ёшларимиз турфа сохта маълумотларни тарқатиб, ушбу ахборотлар орқали одамларга психологик таъсир ўтказишга...

Ийгиликларда сўзга чиққан ҳаётда не-не қийинчиликларни бошидан ўтказган маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланмиш нуруний отахон-онахонларнинг ғазабланишларига етарли сабаб бор...

ди етти ёт бегона кимсаларнинг қўл остида қандай шароитларда, нима иш билан бандлиги билан қизиқмасдан, уларнинг чет давлатдан арзимаган пул жўнатишига сармаст бўлиб юрган ота-она, ака-ука, опасингиларга маҳалла аҳли қандай қилиб яхши муносабатда бўлсин?!

Уларнинг лоқайдлиги, фарзандининг тақдирини нисбатан бифарқлиги шу даражага етганки, маҳалладагиларнинг боласи нима иш билан шугулланаётганига онд саволига "Ўғлим Россияда ишлаяпти"дан бошқа жавоб бериша олмайди...

Ваҳоланки, она ёки ота ўз зурриёдининг руҳий, маънавий дунёқарашини, жисмоний ҳолатини, саломатлигини қанчалик ўзгаришини кузатиб борадиган энг яқин инсонлар бўлиши керак эмасми? Ёки бундай инсонлар учун ўғли аслида Россияда ёки бошқа давлатда эмас, балки бир неча йиллар аввал Сурия ёки Ироқда жанговар ҳаракатлар давомидида ҳалок бўлгани ҳақида маҳалла фаоллари йиғинида хабар топиши табиий ҳолими?

Хуллас, шу каби саволлар атрофида бош қотириш асносида беихтиёр кишининг бўғзи-га нимадир тикилгандек бўлади... Ўйлаб қолсан, киши, ахир, аллақандай фитнакорларга эргашган, ўзга ўлкаларни даъват қилган, ҳаловати бузилган, айримларининг жони бевақт узилган бу юртдошларимизнинг тақдирини бошқача бўлиши мумкин эди-ку? Майли, сўзимиз аввалида қайд этилганидек, ҳамма ҳам мамлакатимизнинг жаҳон микёсининг гувоҳи бўласиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ёшларимизни ҳеч кимга бермасликни, уларнинг онги бузғунчи ғоялар билан заҳарланмаслигини истар эканмиз, уларга тўғри таълим ва тарбия беришимиз, бу йўлда барчамиз бирлашишимиз шарт ва зарур.

Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири

ЭЪЗОЗ

Асаканинг "Неъматобод" маҳалласида истиқомат қилувчи Қумрихон момо Эргашева бир юз ўн олтинчи баҳорин қарши олди. Икки аср юзини кўрган момо одамийлик, меҳр-оқибат ва ҳалоллик бабиде ибрат мактабини яратган...

Бир юз ўн олтинчи баҳор



— Аянинг маслаҳатини олган кишининг оиласида доим аҳиллик, қўт-баракат бўлади, — дейди маҳалла маслаҳатчиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоли Манзураҳон Сайфутдинова. — Чунки Қумрихон ая тўғри йўл кўрсатади...

Неъматободликлар онахонни Райхон момо, деб атайдилар. Чунки ҳамма вақт унинг хонадониде райхон ва турфа хил гуллар чаманзорга айланади. Ҳатто гул қўчатлари етиштириб, кўшиларига улашади. Бу гўзаллики севган, ҳаётга доим умид билан қарайдиган қалб соҳибларига хос фазилат. Орта назар ташлаган суҳбатдошимиз ҳаётдан сира нолимайди...

— Кўплагма етказганига шукр, — дейди Қумрихон момо. — Биз кексаларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлардан миннатдоримиз. Шундай фаровон ва тинч юртда яшашнинг ўзи катта бахт.

Ақбаржон НАЗАРОВ, «Adolat» мухбири, Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат

Наврўз ифори боқийдир

Давоми. Бошланғичи I-бегда

Чўлпон "Кўклам келадир" шеърива баҳорнинг дилларга илиқлик, эркинлик инъом этишини орау қилган:

Кўклам ойим йўлга чиққан, кўклам ойим кўзгалган, Кўк кўйлакнинг битишини унча ҳам кўп қолмаган.

Қит яланғоч дарахтлар ҳам қучоқ очиб, кўз тўтиб, Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан кутурлар.

Қарғалар ҳам қишда қилган ғуноҳларин унутиб, Узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб кетурлар.

Кўнгишлар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди, Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи қирсайди.

Наврўз халқимизнинг онгу тафаккурига, турмуш тарзига сингиб кетган. Байрам таралдуди аҳолини бирлаштирган, меҳнат қилишга чорлаган. Хашарлар уюштирилиб, ариқ ва зовурлар тозаланган, ниҳоллар ўтказилган. Аёллар совуқ киш таъсирида намикқан гилам, кўрпа-ёстиқларни қуёшга ёйган, ховли-жойлар саришталangan. Қуриб қолган дарахтлар кесилган. Сумалак, халим, кўксомсалар пиширилган. Ўзига гўк одамлар эҳсонлар берган, дарвешоналар ўтказилган. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ бир-бирининг ҳолидан хабар олган, беморлар зиёрат қилинган. Сумалак пишириш асносида қайвони оналар туни билан қиз-жувонларга дostonлар ўқишган, ибратли ривоятлар айтиб беришган. Буларнинг ҳаммаси халқни жишслаштирган, ёшларни тарбиялаган.

Собиқ тузум сибатдонларига айнан шу жиҳатлар маъ-



кул бўлмаган. Наврўзга қарши узок курашган. Олиму мутахассисларнинг елиб-югуришларига, илмий асосларига ҳеч ким қулқол солмаган. Наврўз сўзи олиб ташланган. Наврўз ўрнига сунъий равишда қандайдир байрам ихтиро қилмоқчи бўлишди. Табиийки, халқ қабул қилмади. Шу боис дарҳол ҳамманинг эсидан чикиб кетди. 1980 йилларнинг ўрталарида бу байрам сумулак тақиқланган. Махсус одамлар уйма-уй юриб, сумулак пишириладиган қозонларга тупроқ сепишган, керосин қуйишган. Асосий мақсад халқимиз ўз тарихини, миллий ўзлигини англашига гўсқинлик қилиш бўлган. Миллатимиз шукухини қуйловчи "Алпомш" дostonининг қатарига учраши Наврўзга ҳам қисмат бўлиб ўтган.

1990 йилда, хали мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турган шароитда Ислоҳ Каримов ташаббуси ва жасорати билан Наврўзни эмин-эркин нишонлаш бошланди. Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 12 февралдаги фармони-га мувофиқ Наврўз байрами катта тайёргарлик билан

кeнг нишонланди. Эсимда, ўша кун республикамизнинг барча ҳудудларида катта томошалар, концертлар уюштирилди. Тошкентнинг Ҳадра, Бешёғоч майдонларида халим, сумалаклар тарқатилди. Бутун элимиз Наврўз тантаналарини байрам сифатида кeнг нишонлади. Бу она Ватанимизда озодлик шабадаси эса бошлаганидан дарак эди.

Ҳар йили Президентимиз Ислоҳ Каримов қарорига мувофиқ Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда ва кeнг нишонланмоқда. Пойтахтимизда ўтказиладиган тантаналар кўплаб мамлакатларга телеэфир воситасида трансляция қилинмоқда. Вилоятлар маркази, туманларда, қишлоқларда, маҳаллаларда ва оилаларда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, чет эллик сайёҳлар Ўзбекистонга айнан Наврўз пайтида келишни исташар экан. ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани, 21 март Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилингани ҳам шундан далилат беради.

Бобо-момоларимиз асрлар давомиде асраб, эъозлаб келган Наврўз юртимизга гўзаллик, халқимизга ҳурсандчилик улашмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик-тоғулик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамламоқда. Ўтмиши бой, келажаги буюк, миллий ғурури юксак халқимиз бор экан, бу байрам абадий бўлиб қолади.

Омонилла МАДАЕВ, филология фанлари номзоди, ўЗА

Чун келди баҳор ойи...

Ки бу сур эрур олам афрўз ҳам, Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

Ҳар тунинг қадр ўлубон, Ҳар кунинг ўлсуи Наврўз.

Алишер Навоий

Чун келди баҳор ойи, юз очди бу дам Наврўз, Кўк майсалар устига етказди қадам Наврўз.

Илоҳи ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Ҳамиша толеъинг феруз бўлсин.

Мухаммад Ризо Оладий

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврўз, Кечти баҳман, замҳарир қиш, қолади қори, бузи.

Носириддин Раббуий

Фасли навбахор ўлди, кечибон зимистоналар, Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистоналар. Субҳиядам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам, Гул уза томиб кам-кам, ёди абри найсонлар.

Фурқат

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Суҳбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар. Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб элди, Ўйнашиб, тоғи табиатни қилайлик чоғлар...

Муқимий